ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
КИТОБ ТУМАНИ
ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QASHQADARYO VILOYATI
KITOB TUMANI
HOKIMINING QARORI

180700 Kitob shahar Katta yo'l ko`chasi 32-uy tel: 542–53-07

2020 yil 25 март X-266/03 - son Kitob shahri

4Р-23Л "Китоб-Шаҳрисабз" автомобиль йўлининг Буюк Ипак Йўли кўчасида ҳамда 4К-303 "Китоб-Мираки" автомобил йўлининг Катта йўл кўчасида автомобиллар қатновини тартибга солиш, техника хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликни олдини олиш мақсадида тегишли йўл белгиларини ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда)нинг 5,7-моддалари, Ўзбекистон Республикаси "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Қонуни(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 40-сон, 410-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда)нинг 4,7-моддалари, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)нинг 6-моддасига асосланиб, 4Р-23Л "Китоб-Шаҳрисабз" автомобиль йўлининг Буюк Ипак Йўли ҳамда Катта йўл кўчаларида автомобиллар қатновини тартибга солиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликни олдини олиш ҳамда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. 4Р-23Л "Китоб-Шаҳрисабз" автомобиль йўлининг Катта йўл кўчаси билан туташ чорраҳа қисмидан "Кифти-об" тўйхона биноси олдигача бўлган қисмигача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги "Йўл ҳаракати коидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 370-сонли қарорининг 1-иловасига асосан 1.20 "Асосий йўл", 2.1 "Пиёдалар ўтиш жойи", 3.1 "Кириш тақиқланган", 3.19 "Қайрилиш тақиқланган", 3.27 "Тўхташ тақиқланган", 3.28 "Тўхтаб туриш тақиқланган", 5.6 "Бир

томонлама ҳаракатли йўлнинг охири", 5.8.1 "Бўлаклар бўйича ҳаракат йўналиши", 5.17.1 ва 5.17.2 "Пиёдаларнинг ер остидан ўтиш жойи", 5.15 "Тўхтаб туриш жойи" йўл белгилари ҳамда "Тик жойлашган сигнал билан" транспорт светофори ўрнатилсин.

2. Буюк Ипак Йўли кўчасининг Катта йўл кўчаси билан туташ чорраҳа қисмидан 4Р-23Л "Китоб-Шаҳрисабз" автомобиль йўлининг туташ (туман жомъе масжиди биноси) қисмигача бўлган оралиғидаги йўлда 2.4 "Йўл беринг", 2.1 "Пиёдалар ўтиш жойи", 3.1 "Кириш тақиқланган", 3.27 "Тўхташ тақиқланган", 3.28 "Тўхтаб туриш тақиқланган", 5.5 "Бир томонлама ҳаракатли йўл", 5.8.1 "Бўлаклар бўйича ҳаракат йўналиши", 5.15 "Тўхтаб туриш жойи" йўл белгилари ҳамда "Тик жойлашган сигнал билан" транспорт светофори ўрнатилсин.

3. Китоб тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (С.Султонов)га ушбу йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. 4Р-23Л "Китоб-Шаҳрисабз" автомобиль йўлининг Катта йўл кўчаси билан туташ чорраҳа қисмидан "Кифти-об" тўйхона биноси олдигача ҳамда Буюк Ипак Йўли кўчасининг Катта йўл кўчаси билан туташ чорраҳа қисмидан 4Р-23Л "Китоб-Шаҳрисабз" автомобиль йўлининг туташ (туман жомъе масжиди биноси) қисмигача бўлган оралиғидаги йўлларда тегишли йўл белгиларини ўрнатилиши мунособати билан тирбандликни олдини олиш, аҳоли ва техника ҳавфсизлигини таъминлаш, автомобиллар қатновини тартибга келтириш, "Китоб-Қарши" ва "Китоб-Тошкент" йўналиши бўйича ҳаракатланадиган автомобилларнинг вақтинча туриш жойи, Улуғбек айланма йўлида жойлашган "Коинот нур зиё" савдо мажмуаси ҳудудидаги автомобилларни туриш жойидан ҳаракатланиши йўлга қўйилишини таъминлаш вазифалари туман ИИБ ЙҲХГ (М.Султонов)га юклатилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари И.Халимов зиммасига юклатилсин.

6. Макур қарор оммавий ахборот воситаларида элон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **А.Закиров**